

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
6-mart
chorshanba
№ 10 (1385)

Gazeta 1996-yil dekabrдан chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ИККИНЧИ ФИКР

ТАХРИРИЯТДАН:

Маълумки, 2023 йил ноябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған туркий давлатлар учун ягона алифбо яратишни таклиф қилди.

Аслида, бу ғоя анча илгарироқ туғилган бўлиб, 2022 йил октябрь ойида Туркиянинг Бурса шаҳрида ўтказилган “Турк дунёси умумий алифбоси бўйича семинар”да ягона алифбо яратиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қарор Туркий давлатлар ташкилотига тақдим этилган эди.

Хўш, бу ғоя ҳақида ўзбек зиёлилари нима дейди? Қуйида она тили ўқитиш методикаси бўйича узоқ йиллар исламқандлик олим Илаш АБДИЕВнинг имло муаммолари, лотин ёзувига ўтишдаги ноаниқликлар, муштарак алифбо орзуси ҳақидаги мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

МУШТАРАК АЛИФБО ОРЗУСИ



Ниҳоят, алифбозимнинг тақомиллашган сўнги нусхаси эълон қилинди — қозонда бори чўмичга чиқди. Энди бошқа жиддий ўзгаришлар бўлмайди, деб турганимизда, туркий давлатларнинг ягона алифбоси ҳақидаги таклиф ўртага ташланди. Бу бир йўла муштарак алифбога ўтиб қўя қолиш орзусини пайдо қилиши ва туркийларнигина эмас, дунёнинг ягона алифбоси мазмунини мулоҳаза юритишга ундаши табиий эди.

Гапни, одатдагидай, сал олдинроқдан бошлашимизга тўғри келди.

Маълумки, буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврида

араб алифбосини тахрир қилиб, “Хатти Бобурий”ни яратган. Хўш, кўп асрлар мобайнида фойдаланиб келинган араб ёзувини ислоҳ қилишдек катта жасоратга Мирзо Бобурни нима ундади экан? Бу борада бизнинг кейинги юз йил давомида қилган ётган ҳаракатларимизни қандай тушуна бўлади? Илоҳий мўъжиза — тилни аллақандай алифболар билан мукамал таъминлашнинг илоҳи борми? Умуман, алифболарга бугунги дунёнинг муносабати, ёзувнинг эртанги нуфузи ҳақида нималар дейиш мумкин? Шу ва шунга ўхшаш саволларга биргина ўзимизнинг алифбозимиз талқинида жавоб берса бўлади.

Алифболар билан боғлиқ турли-туман вазиятларни бошдан ўтказдик: араб, лотин, рус ва яна лотин... Уларнинг ҳар бири билан озми-кўпми ноҳушликлар кириб келаверди: тузатишлар ва яна тузатишлар... Мустақиллик шарофати билан ёзувимиз тарихида илк бора ғоят инсонпарвар, она тилимиз табиатиға мос алифбога ўтиш эрки билан ишга киришдик ва арзирли самараларга ҳам эришдик. Тилимиз унчалик хушламай келган белгиларнинг катта қисми истеъмолдан чиқарилди, ҳарфлар сони кескин камайди. Катта-кичик муваффақиятларимизга қарамай, лотин ёзувига асосланган бугунги алифбозим

ФАХР



Ривож ЎТАР,
қорақалпоқ шоири

ҚУВОН, ХАЛҚИМ

Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВ ташаббуси билан шу йилнинг 29 февраль кўни Амударё узра бунёд этилган янги қўриқнинг очилишига бағишлов

Қувон, халқим, Юртбошимиз ёнингда,
Қувон, халқим, бирлик азал қонингда,
Қувон, халқим, барокат бор, файз бор,
Осойишта отган ҳар бир тонгингда.

Қувон, халқим, куёш балққан кун учун,
Қувон, халқим, юлдуз таққан тун учун,
Қувон, халқим, хуснинга хусн қўшган
Ақлинг, нақлинг ҳам бахтинг бутун учун.


Қувон, халқим, яқин бўлди йўлларинг,
Қувонавер, узун бўлди қўлларинг,
Янги кўприк — янги ҳаёт нишонини,
Дўстлар ила обод ўнгу сўлларинг.

Қувон, халқим, сузгай дарё, денгизинг,
Ёруғ бўлар энди кеча-қундузинг,
Қувон, халқим, Навоий Ўзбекистонда
Абадиян мустақамдир негизинг.

Салим АШУР таржимаси.

2-6.

НУҚТАИ НАЗАР



АХБОРОТ ТАЙЁРЛОВЧИДА ГАП КЎП

Ҳар куни биргина қўлимиздаги телефон орқали юзлаб янгиликлардан хабардор бўламиз. Лекин биз танишаётган турли мазмундаги ушбу хабарларнинг ҳаммасини ҳам ҳолис, ҳаққоний, деб бўлмайди.

Аслида, ахборот тайёрловчи ва тарқатувчида гап кўп. Шу ўринда бир мисол. Тўртта ташкилот ҳамкорлигида ўтказилган тадбирни ҳар бир идора ўз қорхонаси манфаати нуқтаи назаридан ёритади. Энди хоржида бўлиб ўтаётган муҳим жараёнлар ҳақидаги ахборотни иккинчи ёки учинчи манба орқали олишни ўйлаб кўринг. Улар ахборот мазмунини сездирмасдан бир оз ўзгартириб, ўз қарашларидан келиб чиқиб тақдим этиши ҳам мумкин. Аммо буни ҳақиқат ҳам аниқлаш қийин. Қолаверса, ҳар доим ҳам хабарни текширишга вақт, ҳафсала бўлмайди.

Халқаро медиамонда рақобат кучайган ҳозирги кунда дунёдаги ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилётган ахборотда қандай ғоя ва мақсадлар яширин эканини тўлиқ пайкаш мушкул. Ахборот бир қарашда ишончли кўринади — воқеа жойидан, муайян манфаатдан келиб чиққан ҳолда, ўта устакорлик билан олинган расм ва видеолар, ин-

тервьюлар эълон қилинади. Сир эмас, кейинги пайтларда бу борада ҳам сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда, кўпаймоқда. Бу эса халқаро медиамонда материалларида фарзли мақсадлар йўлида сохтакорлик кўпайиши эҳтимоли мавжудлигини билдиради.

4-6.

ЎЗЛИК

НАВОИЙ МАЪРИФАТИ — МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Алишер Навоий туркий сўз қудратини чўққига кўтарди, эътиборсизликка юз тутган она тилимизнинг қаддини тиклади ва туркий тил шухратини дунёга ёйди. Натижада дунё унинг асарлари орқали маданиятимиз билан танишди, халқимизнинг бебаҳо қадриятларига эҳтиромни ошди. Навоийнинг шогирди муаррих Хондамир таъкидлаганидек: “Султонлар унинг асарларига эга бўлишга интилар, чопарлар юбориб, Навоийдан китоблар тилар эди ва унинг асарларини ўз кутубхоналарининг олий беағи сифатида ардоқлар эди”.



Мустақиллик даврида Навоий номи ўзбек халқининг кимлик тушунчасини ифода этгуви миллий тимсолга айланди. Бугунги давримизда, Ер қуррасининг қайси бурчагида Навоий номи хотирланса, албатта, миллатимиз, Ўзбекистон номи жонажон ватанимиз тилга олинади. Навоий номи ўз даврида бўлганидек, бугун ҳам асрлар оша халқимизни халқаро миқёсда танитиш, унинг бой тарихи ва маданияти билан таништиришга хизмат қилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон миллий ғояси, Учинчи Ренессанс ҳақидаги орзу-умидлари ва уларнинг рўйи йўлида олиб бораётган мардонавор ҳаракатлари Ҳазрат Навоий армонлари билан ҳамоҳанг. Шу маънода, Алишер Навоийнинг адабий меросини халқаро миқёсда тарғиб этиш, айни пайтда дунё халқларини давлатимиз ва халқимизнинг эзгу интилишларидан хабардор этиш, миллий маданиятимизни хоржий мамлакатларда тарғиб этиш ишлари билан уйғун эканини аниқлади.

5-6.

ЭССЕ



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ЮРАГИ

Адиб юрагида аламлар қат-қат,
Лекин биттаси бор ўчмасдир доғи:
Жонини тик озодлик йўлида фақат,
Бу эса устознинг сўнгги сабоғи.

Абдулла ОРНПОВ

Абдулла Қодирийнинг муқаддас адабиётга уйғонган ҳаваси, аввало, унинг юрагида пайдо бўлди. Мустақам илдиз отди ва қийғос гуллади. Ирода ва жасорат билан танлаган йўлидан, улўғ ниятидан асло қайтмади. Юрак қони адабиёт билан қоришиб кетди. Адабиётни Каъба мисоли англади ва унга абадий муҳаббат қўйди, уни мудом ота-онасидай ардоқлади, оиласи ва фарзандларидек ҳамиша эъзозлади, севди...

Адабиёт батамом унинг юрагига айланди. Энди у адабиёт деб аталмиш муқаддас иморат жойлашган юрагига бўйсунди. Энди бу жасур юрак билан умрбод ахдлашди, унга батамом меҳр қўйди. Ва у билан ҳар доим ҳамжиҳат, ҳамфикр ишлашга чоғланди. Юрак унинг донишманд йўлбошчиси, паҳлавон саркардасига айланди.

Қодирийнинг юраги ўзидан ҳам ботирмиди? Қодирийнинг юраги сўзидан ҳам ўткирмиди? Қодирийнинг юраги юзидан ҳам нурлимиди? Назаримда, Абдулла Қодирийнинг юраги ўзидан ҳам катта бўлган. Сўзи ҳам жасоратга лим-мо-лим. Жасоратда бу юрак — тоғдай юксак, дарёдай жўшқин, бўрондай шиддат билан яшаган. Лекин жангга кирган оловли вужуд асло сўнмаган.

8-6.

ФАОЛИЯТ

Мозийдан сўзловчи маскан

Одамзод ўз келажагига қанчалик қизиқса, ўтмишга ҳам шунчалик ҳайрат ва иштиёқ ила муружаат қилади. Зеро, мозий қатларида қолиб кетган ҳар бир воқеа-ҳодисани ўз тасаввуримизда жонлантиришга уринамиз. Тарихда йўл қўйилган ҳатолар, эришилган муваффақиятлардан хулосалар чиқариб, келажак сари дадил қадам ташлаймиз. Ўтмиш кўзгуси сифатида инсонни тарбиялашга хизмат қилувчи масканлар — музейлар ана шунинг учун ҳам қадрлидир.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида ўндан ортқ музей ва уй-музейлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орасида отахон муассаса — Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи мукамал лойиҳа асосида қурилгани, экспонатлар сони ва сифати, ташриф буюрувчилар кўплиги, ноёб топилмалари асосида ажралиб туради.

Мазкур музей 1895-1896 йилларда ташкил этилган. Дастлаб маҳаллий аҳоли ва фидойи инсонлар ташаббуси билан қадимий ашёлар



коллекцияси яратилган. Ўша даврда экспонатлар сони 2 мингтани ташкил қилган бўлса, йиллар давомида музей фонди ҳар жиҳатдан бойитиб борилган. Ҳозир музейда 100 мингдан ортқ экспонатлар мавжуд.

— Музейимиз водийда ягона ҳисобланади. Ҳар йили 1,5-2 минг нафар хорижий сайёҳлар, шунингдек, республикамиз вилоят-туманларидан қизиқувчилар ташриф буюришади. Кейинги даврда музейларга эътибор ошишига

монанд равишда келувчилар сони ҳам ортқ бормоқда, — дейди музей директори Хайрулло Зокиров. — Экспонатлар сифатига, уларни бойитиб боришга, замонавий технологияларни жорий қилишга эътибор қаратганмиз. Мисол учун, бугунги кунда етти тилда “сўзловчи” 30 та аудиогид яратдик, экспонатлар ҳақида батафсил маълумот берувчи электрон иловалар, масофадан танишиб бориш учун махсус веб-сайт, 3D форматдаги электрон кўргазмалар ҳалқимиз хизматида. Шунингдек, “Фарғона: кеча ва бугун” деб номланган янги галереяни ташкил қилдик.

Ўтган йили Фарғона туманидан топилган қадимий тош кели жамоатчилик ўртасида шовшувга сабаб бўлди. Музей мутасаддилари дарҳол тарихчи-археологлар, олимлар билан топилмани ўрганишга киришишди ва унинг беш минг йиллик тарихга эгаллигини исботлашди.

Музей бўлимларининг ҳар бири, улардаги ноёб буюм ва ашёлар ҳайратга сабаб бўла олади. Эрамиздан аввалги 1-минг йилликка оид бронза қозон, 150-200 минг йиллик тарих қаъридан сўзловчи тош қуроллар, ўша даврда аждоқларимиз томонидан тошга ўйиб ишланган ҳайвон суратлари, юртимизнинг олис ва яқин ўтмишидан сўзловчи экспонатлар, миллий хунармандчилик намуналари шулар жумласидан. Айниқса, ўзбек матбуотида тамаил тоши қўйилишида алоҳида ўрин тутган Фарғона журналистикаси, жадидларнинг чиқишлари акс этган дастлабки газета ва жур-



налларнинг нусхалари, газетачилик ашёлари, мақолаларда баён қилинган ўша даврга хос долзарб муаммолар билан танишиш кишига завқ бағишлайди.

— Бизда мавжуд қадимги кўлэмалар, фотонегативларни ўрганиш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бу ҳудди игна билан қудуқ қазишга ўхшайди. Баъзи топилмаларни изчил ўрганиб, эксперт-олимлар билан кенгашиб, хулоса қилиш учун йиллаб вақт талаб этилади, — дейди музей директорининг ўринбосари Элёржон Раҳимов. — Вилоят ҳокимлиги томонидан музейни капитал таъмирлаш учун 4 миллиард сўм ажратилгани барчамизни

кувонтирди. Кўплаб лойиҳалар, инновацион ёндашувларни амалга ошириш, ишни янгилаш ташкил қилишда бу бизга куч беради. Эътиборлиси, айни кунларда Шохимардон тарихи ва табиати музейи (собиқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи)да ҳам капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Бугун кўшни ва хорижий республикалардаги ҳамкасблари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келаётган мазкур музей ходимлари ишига тасанно айтгинг келади.

Шерзод ҚОРАБОЕВ,
“Hurriyat” мухбири.

РЕКЛАМА



Smart

MUNOSABATI BILAN
MAKSIMUM OMONATI
YUQORI FOIZLARDA

23,5%
MILLIY VALYUTADA



МУЖДА

Буюк Британияда Ўзбекистонлик талабалар уюшмаси фаолият кўрсатади

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистонлик талабалар уюшмасининг расмий очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Буюк Британиянинг Оксфорд, Кембриж, Эдинбург, Лондон Иқтисодиёт мактаби, Лондон Империял коллежи каби етакчи университетларида таҳсил олаётган ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантлари асосида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.



Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси Равшан Усмонов анжуманининг очилиш маросимидаги нутқда иштирокчиларни Янги Ўзбекистоннинг асосий қатлами ҳисобланган ёшлар учун давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз юритди.

Тадбир давомида Ўзбекистонлик талабалар уюшмаси етакчилари ташкилот олдида турган вазифалар ва истиқболдаги режаларга бағишланган тақдирот ўтказдилар. Тақдирот давомида Давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимизда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсатини изчил давом эттириш ва тарғиб этиш уюшма олдидаги асосий вазифа саналиши таъкидланди.

Уюшма келгусида Ўзбекистоннинг бой маданий-маърифий тарихини Буюк Британияда турли тадбирлар, ийгилишлар ва давра суҳбатлари орқали оммалаштиришни ҳам мақсад қилган.

Ўзбекистонлик талабалар уюшмасининг тантанали очилиш маросимидан сўнг Буюк Британия олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ватандош талабалар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини бўлиб ўтди. Турнирда 6 та жамоа беш раундда ўз билимларини синовдан ўтказди. Билимлар беллашуви якунида унинг ғолиблари дипломатик миссия номидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси кўмагида бир гуруҳ ватандош талабалар томонидан амалга оширилаётган ушбу ташаббус Буюк Британиядаги университетларда таҳсил олаётган мамлакатимиз ёшларини бирлаштириш, уларнинг билим олишлари учун қулай ва фаолиятнинг турли соҳаларида фаол иштирок этишлари учун универсал платформа яратишга қаратилган.

“Дунё” АА,
Лондон шаҳри.



1220
turonbank.uz

“MyTuron” mobil
ilovasini yuklab oling



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг жамики аёллари —
дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва
азиз опа-сингилларимизни, устоз-муаллималар,
талаба-қизларимизни
яқинлашиб келаётган

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни
билан чин дилдан табриклайди.
Уларга ҳамisha баҳорий гўзаллик ҳамроҳ
бўлишини тилайди.



Қадрли аёллар, хотин-қизлар!

Сизлар борки, ҳаётимиз тўқис, гўзал ва файзлидир. Доимо бор бўлинг!
Энг эзгу орзуларингиз амалга ошаверсин, янги имкониятлар эса ёрқин
истиқболларни очаверсин...

Нафосат ва гўзаллик мужассам ушбу қутлуғ кунларда барчангизга бахт-
саодат, мустаҳкам соғлиқ ҳамда баҳорий кайфият ёр бўлсин!

8 март



ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами
билан юртимиздаги барча бувижонларимиз,
мунис онахонларимиз, гўзал аёлларимиз, лобар
қизларимизни самимий муборакбод этади.



Ҳамиша оиламиз
кўрки, юртимиз таянчи,
кўзимиз қувончи,
рўзгоримиз файзи бўлган
Сиз азизларни баҳорий
кайфият тарк этмасин!

Юртимиз тинч, элимиз
фаровон, дастурхонимиз
тўкин бўлсин!

Яқинлашиб келаётган
байрамингиз қутлуғ
бўлсин, азиз онахонлар,
мўътабар опа-
сингиллар!



Mart

0

8

